



HURRIYAT

O'zingni angla!

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 6-iyul, chorshanba • № 28 (728) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 5 июль куни Оқсаройда Хитой Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Қирғизистон Республикасининг мамлакатимизда Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Чжан Сяо, Жорж Крол, Ле Мань Луан ва Анварбек Моқеев ишонч ёрлиқларини топширди.

Президентимиз ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини самимий кутлади ва уларни Ўзбекистонда шарафли ҳамда масъулиятли миссия бошлаётганлари муносабати билан табриклади, фаолиятида муваффақиятлар тилади.

ХР элчиси билан суҳбат асосида Ўзбекистон Президентининг 2011 йил апрель ойида Хитойга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликка катта суръат бағишлагани, ушбу ташриф якунлари олти йил аввал имзоланган Дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги шартномани янги мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Ўзбекистон Хитойни изчил ва барқарор ривожланиши юксак ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган ишончли, вақт синовидан ўтган шерик сифатида билди. Хитой Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидандир. Сўнги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баравар ўсиб, 2010 йилда 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Икки мамлакат ҳам бугунги кунда минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда барқарорликнинг муҳим омилига айланиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Элчи Чжан Сяо Хитой Ўзбекистон билан узоқ муддатли муносабатларни мустақамлашдан манфаатдор эканини ва дипломатик миссия раҳбари сифатида бу ишга ўзининг ҳиссасини қўшишга тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро алоқалар изчил мустақамлашиб, турли даражадаги мулоқотлар фаоллашмоқда.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган сиёсий маслаҳатлашувлар кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу маслаҳатлашувлар икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини атрафлича муҳокама қилиш ҳамда кўлаб ҳалқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият яратмоқда. Жорий йилда турли соҳаларда ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар жадвали сиёсий маслаҳатлашувларнинг 2011 йил февраль ойида Тошкентда ўтказилган иккинчи давраси, шунингдек, АҚШнинг етакчи компаниялари вакиллари иштирокидаги бизнес-форумнинг амалий натижаси бўлди.

Самарали иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг аниқ мисоли сифатида "Женерал Моторз" корпорацияси билан автомобилсозлик соҳасидаги муваффақиятли ҳамкорликни келтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, "Женерал Моторз Плауэртрейн — Ўзбекистон" қўшма корхонасининг тузилгани ҳамкорликнинг яна бир йирик лойиҳаси бўлди. Шу йилнинг охиригача ишга туширилиши мўлжалланаётган мазкур корхона йилига 225 минг донга замонавий двигател ишлаб чиқаради. Айни пайтда АҚШнинг "Хонивелл", "Локхид Мартин", "Женерал электрик" каби етакчи компаниялари билан илғор технологияларни жорий қилиш ва тўғридан-тўғри сармоя жалб этиш бўйича фаол мулоқотлар олиб борилмоқда.

Элчи Жорж Крол мамлакатимиздаги дипломатик миссиясининг асосий мақсади ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан иборат эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги масофанинг узоқлиги икки томонлама ҳамкорликни рағбатлантиришга тўсқинлик қилолмайди. Вьетнамнинг юксалиб бораётган салоҳияти, меҳнатсевар халқининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасидаги ютуқлари мамлакатимизда яхши маълум.

Ўзбекистон олий ўқув юртакларида ўз даврида 3 мингдан зиёд вьетнамлик ёшлар тахсил олгани ва ўзбек заминини яхши таассуротлар билан эслаши мамлакатларимиз ва халқларимизни боғлайдиган муҳим омиллардандир.

Икки мамлакат иқтисодий, глобал молиявий инкирозга қарамай, жадал ривожланаётганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон-Вьетнам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ, дейиш учун барча асослар бор. Ўзбекистонда сармоявий фаолият бошлаган "Петровьетнам" компанияси мамнуният билан қабул қилинди. Бу компания замонавий ва ноёб технологиялардан фойдаланиб, Устюрт минтақасида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Ле Мань Луан элчилик фаолияти давомида Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқлилик асосидаги муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш учун куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Қирғизистонни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Тилимиз ва маданиятимизнинг яқинлиги халқларимиз ўртасидаги кенг кўламли муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Мамлакатларимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб ўзаро яқин ва тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатди ва буларнинг асосидаги муносабатларни кенг томонлама асосда, балки МДХ, ШХТ, БМТ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам ривожланмоқда.

Элчи Анварбек Моқеев тарихчи олим ва дипломат сифатида замирида мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатлари ва икки халқнинг донишмандлиги мужасам бўлган Қирғизистон-Ўзбекистон муносабатларини янада рағбатлантириш учун ўзининг бор билим ва тажрибасини ишга солишини таъкидлади.



ХОРАЗМ: ИСТИҚЛОЛ ЧАШМАСИДАН БАХРА ОЛГАН БЎСТОН



Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърят маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири экани қувончли ҳодиса.

Ислам КАРИМОВ

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

журналистика соҳасида республика танлови давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритган буюқ тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айём. Бу йил халқимиз Ватанимиз тарихидаги қутлуғ сана — мамлакатимиз миллий мустақиллигининг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги катта тарихий ва шонли воқеа — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб журналистика соҳасида «Энг улуғ, энг азиз» республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган ғоя мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мустақилликнинг ўтган йигирма йил мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик дав-

салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама очиб берилган бўлиши керак. «Энг улуғ, энг азиз» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги соҳалари бўйича ўтказилади:

- матбуот (1-, 2-, 3-ўрин);
- телевидение (1-, 2-, 3-ўрин);
- радио (1-, 2-, 3-ўрин);
- интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари (1-, 2-, 3-ўрин).

Бундан ташқари, юқоридаги соҳаларнинг ҳар биттаси бўйича иккитадан раббатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87 www.Journalist.uz

АНА ХАЗИНА-Ю, МАНА ХАЗИНА!



Хабарда қайд этилишича, бу ерда 1 тонна куйма олтин, шунча миқдорда тилла танга сақланаётган экан. Бундан ташқари, қопларга жойланган олмос, кўк ва қизил ранглиги ёқут каби қимматбаҳо тошлар ҳам мазкур хазина таркибидан ўрин олган. Шунингдек, ертўла-нинг яширин туйнуқларида ҳам кўлаб қимматбаҳо заргарлик буюмлари ҳамда баланглиги 1,2 метрли олтиндан ясалган ҳайкал ҳам топилмалар рўйхатида киритилди.

5-бет

БУГУННИНГ ЎТМИШИ



Ғалла мустақиллиги масаласини ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбарининг йўл-йўриқ ҳамда тавсиялари билан ҳайдайдиган ерларда пахта майдонлари даярди 2 баробарга қисқартрилиб, у ерларга буюдой экилди.

6-бет

КўНГЛИ ОБОДНИНГ ЮРТИ ОБОД



Ота! Сиз доим дуода энг аввал юртва тинчлик сўрадингиз-а? Тинчликда гап кўп экан. Бу байрамлар, бу меҳмоннавозликлар, бу уйин-кулгулар бари юртиниздаги тинчликнинг шарофати эмасми, ота?!

7-бет

Анъана



Маҳаллада герб тантанаси

Мактабга қадам қўйган илк куним кечагидек эсимда. Ушанда устозимиз бизга партамыз устида турган чиройли сумкаларни кўрсатиб: «Қани болажонлар, сумкаларни очинлар. Президент отамиз сизларга ажойиб совға юборибдилар!» дейиши билан ҳаммамиз сумкаларимизни шошила-шошила очиб бошлаган эдик. Кимдир чиройли рангли қаламларни томоша қилса, менинг қўлимга илгинга Алифбе китоби бўлган. Китобнинг биринчи бетига Давлатимиз рамзлари — байроқ, герб ва биз доим севиб айтиб юрадиган мадҳия. Айниқса, герб кўзимга ниҳоятда чиройли бўлиб кўринган, ундаги рамзий белгилар чиройли гуллардек мени ўзига ром этганди.

Ушанга 9 йил тўлиб мактабни тамомладик. Лекин Давлатимиз рамзларини ўрганиш ҳали ҳам биз учун энг сеvimли машғулот бўлиб қолди. Мен вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Нафосат» ёш қаламкашлар клуби аъзосиман. Устозимиз бизни ёзги таътилда ҳам бўш қўймайди, «Ижодкорнинг қалами ёзишдан тўхта-маслиги керак», дейди. Мактабда битирув имтиҳонлари ту-гагач, маҳаллада иш бошладик. Бир кун устоз: «2 июль Давлат герби тасдиқланган кун, сизлар шу пайтгача герб ҳақида ўқиб, ўрганингиз, энди буни бошқаларга ҳам ўргатишингиз керак» дея бизга қатор топшириқлар берди. Менга Давлатимиз герби ҳақида маълумотлар тўплаш ва маъруза тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Х сессиясида, 1992 йил 2 июль кун тасдиқланган. Гербда ўзбек миллатининг миллийлиги ва миллий бойликлари акс этган. Гуллаган водий узра чарақлаб ўфқдан бош кўтарайтган кўшнинг заррин нурлари инсонлар қалбига эзгулик олиб кираётган нурга ўхшайди. Эгизаклар каби жойлашган дарё худди кўёш юзларини юва-ётгандек. Унг томонида жойлашган, бошоқлари ерни ўпай деб турган далаларга тилларанг манзара бахш этган, хушбўй, нафис ҳид таратаётган бугдойлар энг азиз неъмат — нонни кўз олдимишга келтиради. Сўл томонида очилган пахта ча-ноқлари миллий бойлигимиз — «оқ олтин»ни эслатади.

Гербнинг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз тасви-ри, саккиз қирра ичда жойлашган ярим ой ва юлдуз ҳам кутлуг рамзлардир. Герб марказида ҳиммат, матонат, оли-жаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Хумо кучи қанотларини ёзиб турибди.

Дарвоқе, 3-синфда ўқитганимизда устозимиз куйидаги диалогни сўзлаб бергандилар.

- Ассалому алайкум, эй чиройли куш, қанотлари кумуш.
- Ваалайкум ассалом, эй мустақил юрт боласи.
- Исминг нима, эй куш — қаноти кумуш?
- Мен бахт куши — Хумоман.
- Ҳа, танидим, сен ҳақингда эртақларда ўқиганман. Сен ўша кўшсан-а, Хуможон?
- Ҳа, янгилишимнинг, эй мустақил юрт боласи. Кўп юрт-ларни кездим, ёлғиз сенинг Ватанинг эртақлардаги гаройиб мамлакатга ўхшаркан. Шу боис, бу ерга учдим...

Ушанда кўзларимизда ёш айланганди. Гербдаги барча рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинч-лик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербимизнинг пастки қисмида Респуб-лика Давлат байроғини ифодаловчи 3 рангдаги чамбар бан-дага «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Хуллас, мен Давлатимиз герби тўғрисида маърузани тай-ёрладим. Бошқа тайёрлариклар ҳам кўриб бўлингач, маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси билан маслаҳатлашган ҳолда чиройли тадбир уюштирдик. У дўстлик байрами, қизиқарли беллашувга айланган кетди. Тадбир доирасида уюштирилган «Викторина» шартларига кўра билимдонлар аниқланди. Қизи-қарли томони, фарзандларига эргашиб келган ота-оналар энг фаол иштирокчилар бўлиб чиқди. Саволларга жавоб то-полмай қийналганларида ота-оналар болаларидан, болалар ота-оналаридан ёрдам сўраб, голиблик учун курашганлари янада завқли бўлди. Тўй маросимидай бўлиб ўтган мазкур тадбир сўнггида концерт дастури намойиш қилинди. Ота-оналарнинг бири: «Жуда яхши ўйлабсизлар, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан тадбир баҳона маҳалламизда хашар ўтказилиб, атроф тозаланди, одамларнинг боши қовушди», деса, яна бири: «Бундай тадбирларни кўп-кўп ўт-казинглар, ҳам ҳордик, ҳам мусобақа бўлди. Фарзандлари-мизнинг нималарга қодир эканлигини, билим савиясини, Дав-лат рамзларидан бири — гербимиз ҳақида шунча маълумот-ларни билиб олди. Энди ўғлим қанча китоб олиб бер, деса, олиб берганим бўлсин» деди. Бу сўзларни эшитиб тадбир барчага маъқул бўлганидан бошимиз кўкка етди. Ота-онала-римизнинг биз билан фахрлангани, гурури шундоққина юз-кўзларидан билиниб турарди. Давра тўрида инсонларга бағ-рикенглик, тинчлик ва ифтихор, хурсандчилик бахш этиб тур-ган гербимиз эса янаям чиройли, янаям улғувор эди...

Ирода СОБИРОВА,
Хива туманидаги 17-мактаб битирувчиси

✓ 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Миришкорлик ишбилармонлар

Миришкор туманида кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунинг на-тижасида туманда ишлаб чиқариш корхона-лари сони йилдан-йилга ортиб, тайёр маҳсу-лотлар ҳажми кўнаиб бормоқда.

ФАМ фермер хўжалиги раҳбари Амир Фаизиевни тумандагина эмас, вилоят-да кўпчилик яхши билади. У ташаббускор, изланувчан, ишбилармон одам. А.Фаизиев бошқараётган фермер хўжалиги тасарруфида сут-ни қайта ишлайдиган кичик корхона бир неча йиллардан буён муваффақиятли фаоли-ят кўрсатмоқда. Бу ерда тайёрланаётган сут, қатик, творог ва шу каби маҳсулот-лар харидорларга манзур бўлмоқда.

Умуман фермер хўжалик-ларининг молия муассасалари томонидан кенг қўлаб-қув-ватланаётгани туфайли туман-да асаларчилик, парранда-чилик, балиқчилик, сутни ва гўштни қайта ишлаш ривож-ланмоқда. Богларда, иссиқхо-

наларда етиштирилаётган қўчат ва резаворлар, турли хил ме-валар эл дастурхонига файз ки-ритаётди. Масалан, «Одилова Дурдона» фермер хўжалигида пахта, ғалла майдонларидан ташқари 8 гектар бог, 10 сотих иссиқхона барпо қилинган. Бог-да олма, анор, ўрик, шафтоли-дан тартиб олхўрию узумгача бор. Иссиқхонадаги 80 туп ли-мондан йил давомида ҳосил аримайди. Фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Бобоевнинг айтишича, қилинадиган ишлар ҳали кўп. Чунончи, келгусида Испаниядан томчилаб сугори-ладиган, мавсумда ҳар тупи камиди 500 килограмм ҳосил берадиган олма дарахти қўчатлари келтирилиши режа-лаштирилмоқда. 10 гектар ерда хурмо етиштириш кўзда тутилган.

— Булардан ташқари, сут-ни қайта ишлайдиган мини завод куриш ниятимиз ҳам бор, — дейди Ш.Бобоев. — Ускуналарни келтирганмиз, фақат ишни бошлаш қолди, холос. Мухими, мавсум пай-тида кўмаклашувчилардан ташқари 25 киши доимий иш билан таъминланган.

Миришкорда ҳозирги пайт-да балиқчилик билан шуғул-ланадиган ўнга яқин фермер хўжаликлари фаолият юрита-пти. Уларнинг айримлари тадбиркорликни ўз ҳисобидан, бошқалари эса банкдан кредит олиш орқали амалга оширмоқда. Шулардан бири «Бобо Равшан» фермер хўжа-лигидир. Жамоа раҳбари Са-фар Ҳайитовнинг таъкидла-шича, 414 гектар ерда таби-ий сув ҳавзаси ташкил эти-либ, «Қашқадарбалик» масъ-улияти чекланган жамиятидан 4 миллион сўмга балиқ ча-воқларини сотиб олишибди. «Ачин балиқлари» хусусий корхонаси раҳбари Карим Шаймардонов эса каттагина майдонга ойнаванд ҳовуз барпо этиб, «Чиноз балиқчи-лик» масъулияти чекланган жамиятидан 557,5 килограмм

балиқ чавоғини келтирган. Ҳозир иккала фермер хўжа-лигида ҳам балиқлар парва-ришланмоқда. Яна икки-уч ойдан сўнг улар эл дастурхо-нига тортилади.

Айни вақтда кексалик гаш-тини сураётган фахрий жур-налист Темур Шойқуловни кўпчилик билади, ҳурмат қилади. Бу инсонда ҳали ҳам ёшларга хос шижоат бор. Давр талабини теран тушуна-ди. Юртимизда олиб борила-ётган ислохотлар моҳиятини тез англайди. Бир кун у ўғли Отабекка шундай деди:

— Миришкор — она зами-нимиз. Унинг гуллаб-яшнаши учун биз ҳам ўз улусимизни кўшайлик!

Ота бошқа гап айтмади. Отабекнинг кўнгида эса бог бунёд этиш иштиёқи туғилди. Фурсатини топиб мутасадди-ларга мурожаат қилди. Унинг эзгу мақсади, хайрли такли-фи маъқулланди.

Шундан сўнг Отабек тад-биркорлик қилиш учун хусу-сий фирма ташкил этди, 10 гектар ер олиб, у ерга юзлаб ўрик қўчатларини ўтқазди. Мана, бир неча йилдирки, ҳар мавсумда мазкур богдан ях-

шигина ҳосил олинапти. Ха-ридорлар ҳам етарли. Фир-ма фаолиятини кенгайтириш мақсадида савдо-ниҳоят ва ишлаб чиқариш йўлга қўйил-ди. Айтганча, бир кун теле-визор орқали пойтахтда иш-лаб чиқарилаётган «АКга» эшик-ромлари рекламасига кўзи тушди-ю, Отабекнинг тинчи йўқолди. Миришкорга ҳам ана шунақа ишлаб чиқ-ариш дастгоҳларини келти-ришни мақсад қилди. Нияти холис экан, тез орада корхо-на ишга тушди. Бугун бу ерда ишлаб чиқарилаётган эшик-ромларга воҳанинг турли бур-чақларидан қўлаб буюртма-лар қабул қилинапти.

Оқорида қаламга олганла-римиз миришкорликлар амал-га ошираётган кунлар ишлар олдида дарёдан томчи. Зеро, улар Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини кўтаринки руҳда қарши олиш, она Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги-га ҳисса қўиши ниятида ас-тодлик меҳнат қилишмоқда. Бу, албатта, юрдошларимиз-ни порлоқ истиқболга, ёруғ манзилларга элтади.

Илҳом КАРОМОВ
Қашқадарё вилояти

Ўзгаришлар замиридаги амалиёт

Яқинда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Shodlik Palace» меҳмонхонаси-нинг анжуманлар залида «Аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик па-латаси депутатлари, тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, Қора-қалпоғистон Республикаси ва Хоразм вило-ятидан ташриф буюрган босма ОАВ жур-налистлари, шунингдек, марказий босма нашр-лар ва ахборот агентликлари ходимлари иш-тирок этди.

Маърузачилар ўз чиқишларида истиқ-лол йилларида юртимизда демократлаш-тириш, лебераллашув ва модернизация соҳаларида амалга оширилган илғор

ўзгаришлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган соҳа мутасад-дилари юртимизда инсон қадр-қимматини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларига нис-батан ҳурмат туйғусини уйғотиш бўйича амалга оширилаётган амалий ишлар ва бу борада аҳоли учун муносиб шарт-шароит-лар яратилаётганини жамоатчиликка етқа-зишда ОАВ ходимларининг янада масъули-яти юксак эканига эътибор қаратишди.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Тадбир



Кўнгилларда байрам шукуҳи

Истиқлол йилларида юртимиз, шу жумладан, пойтах-тимиз Тошкентда ҳам ижтимоий, иқтисодий ва маъна-вий соҳаларда улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Энг улғу, энг азиз айём — истиқло-лимизнинг 20 йиллиги муносабати билан бу ердаги барча маданият ва истироҳат боғларида «Буюк ва муқаддас-сан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтаётган маъна-вий-маърифий тадбирлар ва учрашувларда ана шу улғу-ворлик янада кенгроқ намоён бўлмоқда.

Чунончи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон мил-лий боғида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир том маъ-нода байрам тусини олди. Унда узоқ-яқиндан ташриф бу-юрган меҳмонлар, Тошкент шаҳридаги 476 та маҳалла оқсоқоллари, онахон ва ота-хонлар жам бўлди. Тадбирда сўз олганлар ота-боболар ор-

зуси бўлган ушбу дориламон кунларга шукроналик туйғула-рини изҳор этишди. Ҳар бир дақиқаси олтинга тенг истиқ-лол давлари чинакамига фах-ру гуруримиз, ифтихоримиз эканлигини таъкидлаб, қўлга киритилган ютуқлар, бемисл-янгилинишларни кувонч билан эътироф этдилар. Тадбир дои-расида ташкил этилган мум-тоз куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, элимиз севган хонан-

далар, шоир ва ёзувчилар-нинг, хаваскор ва фольклор жамоалари ҳамда аскиячи-ларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Богнинг саҳна ва майдонларида мустақил-лик йилларида амалга оши-рилган бунёдкорлик ишлари-дан ҳикоя қилувчи фото, амал-ий ва тасвирий санъат кўргазмалари тадбир мазму-нини янада бойитди. Иқти-дорли ёшлар, турли спорт мусобақаларининг голибла-ри, «Ягонасан, муқаддас Ва-тан», «Янги авлод», «Келажак овози» каби кўрик-танловлар голибларининг чиқишлари ҳам байрамга ўзгача файз бағишлади. Шунингдек, за-монавий ҳамда олтин фонд-дан жой олган ўзбек фильм-лари намойиши ҳам ҳеч ким-ни бефарқ қолдирмади.

Зилола ИРИСБОВА

Конун барчага баробар

ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ БАРИБИР ЧИҚАДИ

Бугун мамлакатимизда эл қорига ярашни ният қилган ҳар қандай инсоннинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имкониятлар эшиги кенг очиб берилгани кундай равшан. Ҳатто бошланғич саркояси мавжуд бўлмаган, аммо тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган фуқароларга ҳам давлат идоралари тегишли даражада кўмак берапти. Оддийгина коржома ёки кўрпа-ёстиқ тикади-ган фирма ташкил этган тадбиркор бўладими, уйда ўтириб, каштачилик ёхуд зардўзлик билан шуғулланувчи касаначи бўладими, барчасига ёрдам берилаётди.

Юрдошларимиз хонадонини обод, дастурхонини тўкин қиламан деган тижоратчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб, савдо-сотик маданиятини яна-да юксалтириш мақсадида замонавий савдо тар-моқлари бунёд этилмоқда. Бундай жойларда қўлаб юрдошларимиз узларининг тижорий фаолиятларини олиб бормоқдалар. Аммо ҳали-ҳануз бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига, амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилмаётган «тадбиркорларнинг учраётгани ачинарлидир.

Яқинда Республика Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқар-масининг Тошкент вилояти бўлими ходимлари Бўка тумани дав-лат солиқ инспекцияси, туман давлат санитария-эпидемиоло-гия назорати маркази ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассаса-лар ходимлари билан ҳамкорликда тумандаги «Истиқлол дехқон бозори» масъулияти чекланган жамият худудида фаолият олиб бораётган хўжалик субъектлари фаолияти ўрганиш мақсадида назорат тадбирини ўтказдилар. Мазкур тадбир давомида 21 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 41,8 миллион сўмлик маҳсу-лотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Жумладан, 6 та ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз ҳамда 13 та ҳолатда яқка тад-биркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо фаолияти олиб борилаётгани, 1 та ҳолатда назорат-касса машинани ишлатмай савдо қилинаётгани маълум бўлди. Шунингдек, тад-биркорлик фаолиятини вақтинча тўхтатиди, деб солиқ идора-си ходимларига ёлгон маълумот берган икки «тадбиркор» ҳам фош этилди.

Халқимизда ўзи ишламай, ўрнига бошқаларни ишлатадиган-ларга нисбатан «уловини топса, пийда юрмайдиганлар» деган ибора қўлланилади. Шундай ташбиҳга мос келувчи бир «иш-билармон» икки кишини ишлатиб, даромадидан солиқ тўлашни «уну-гани»га гувоҳ бўлди.

Кунлик тушумларнинг ундирилиши ва ўз вақтида банк муассас-сасига топширилиши юзасидан ўтказилган қисқа муддатли тек-ширувда ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ма-салан, назоратчи Ж.Юсупов бозор худудига кириб-чиққан маши-наларнинг ҳар бири учун 6 минг сўм ундиргани ҳолда на патта, на чек бермагани аён бўлди. Бундан ташқари, бозор худудиди соти-лаётган гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш учун ташкил қилинган ветеринария-санитария лабораториясидаги ускуналар давлат стандартлашти-риш идораси назоратидан ўтказилмагани аниқланди.

Янгиёул туманидаги «Савдо комплекси» масъулияти чеклан-ган жамиятидаги ахволни ҳам қоникарли деб бўлмайди. Бу ерда 10 та хўжалик юритувчи субъект тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаса-да, савдо-сотик билан шуғулланишаётгани, ҳатто улар-дан 7 тасида назорат-касса машинасининг йўқлигига нима дей-сиз? 5 нафар «учар тижоратчи» яқка тартибдаги тадбиркор си-фатида давлат рўйхатидан ўтмаган. Бу эса қонунга амал қилаёт-ган чинакам тадбиркорларнинг энсансини қотириши табиий. Бу бозорда ҳам «тадбиркор» ёлланма ишчини ишлатгани, унга бел-гиланган солиқни солиқ идорасидан яширгани ошкор бўлди.

Аниқланган қонунбузарликлар бўйича терговолди суришти-риш ишлари бошлаб юборилди. Айбдорлар эса қонун олдида, албатта, жавоб беришади.

Рустам ТУРСУНБОВ,
Республика Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи


ЖАРАЁН

ХОРАЗМ:

Истиқлол чашмасидан баҳра олган бўстон

(Бошланғич / 1-бетда.)

Хоразм — Амударёнинг қуйи қисмида, икки саҳро — Қорақум ва Қизилқум барханлари орасида жойлашган кўҳна воҳа. Инсоният тамаддунининг қадим бешикларидан бири. Бу кўҳна заминда туғилиб вояга етган аждодларимиз — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Феруз каби буюк бобоқалонларимиз кишилиқ маданияти, маънавияти юксалишига катта ҳисса қўшганлар. Жаҳон илм-фани ривожига муҳим ўрин тутган Хоразм Маъмуни академияси ҳам мана шу қадимий диёрда фаолият кўрсатгани билан юртдошларимиз ҳақли равишда фахрланадилар.



лик тўйи арафасида Урганч шаҳрини янада обод масканга айлантириш мақсадида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг марказий Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Абулғози Баҳодирхон кўчаларида жойлашган биноларни, уйлари, савдо ва маънавий хизмат шохобчаларини янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу хайрли ишга «Бунёдкор» ёшлар ҳаракати аъзолари — Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали талабалари билан бирга шаҳардаги кўпгина маҳаллалар ёшлари ҳам бош қўшдилар. Урганч аэропортдан то марказий майдонга қадар чўзилган кўчалардаги бунёдкорлик ишларини Мустақиллик байрами тўйигача ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.



лар қурилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Урганч туманининг Қорамон қишлоғида бунёд этилган 60 та янги турар жой биноси ўзининг ташқи кифаси кўркاملлиги, инфратузилманинг жаҳон андозаларига мослиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Янги уйга янги йил арафасида кўчиб ўтиб, ҳовли тўйини ўтказдик, — дейди жонадон соҳибларидан бири Алишер Бобононов. — Қишлоқ жойларидан бундай шинам, чиройли, барча қулайликларга эга бўлган, шаҳардагидан асло қолишмайдиган уйларида яшашни ота-боболаримиз хатто хаёлларида ҳам келтиришмаган. Мана бундай замонавий уй-жойларда истиқомат беради. Бир уза яна бир янги иншоот — Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманини вилоятнинг Урганч тумани билан боғлайдиган маҳабатли кўприк қад ростлади. Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида кўприкнинг биринчи навбати ишга туширилди мўлжалланмоқда.

Бугун вилоят қишлоқлари ҳеч бир шаҳардан қолишмай-диган даражада чирой очиб бормоқда. Негаки, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида»-ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Богот, Хива ва Хонқа, Урганч ва бошқа туманларда намунавий лойиҳалар асосида 20 тадан турар жой бинолари қурилиши ниҳоясига етказилди. Янги турар жой массивларида турар жойларнинг табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга, савдо мажмуалари, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, гузар-

волейбол каби турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд. Спорт тўғрақларига юзлаб қишлоқ ёшлари жалб қилинган. Шуниси кувончлики, спорт-соғломлаштириш маркази тарбияланувчилари Хитой, Греция сингари хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда 70 дан ортиқ болалар спорт иншоотлари қайта қурилиб, жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланди. Уларнинг 64 таси қишлоқ жойларида жойлашган. Кўрсатилаётган эътиборга яраша ёш спортчилар

тиш, яратувчанлик ишлари, албатта, порлоқ истиқболимизга хизмат қилади. Ана шундай хайрли юмушлар сирасига инсон саломатлигини кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар ҳам қиради. Кейинги йилларда вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлиги сезиларли даражада ортди. Айниқса, қишлоқ жойларида эски «медпункт»лар ўрнига энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар, асбоб-анжомлар билан тўла жиҳозланган замонавий ҚВПларнинг ишга туширилиши қишлоқ аҳолиси учун катта қулайлик яратди. Эндилда вилоятда замонавий талабларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш муассасалари — Республика шовишинг тиббий ёрдам марказининг Урганч шаҳридаги ва туманлардаги филиаллари, ихтисослашган турли тиббиёт марказлари, диспансерлар аҳолига намунавий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Истиқлол туғайли ҳар бир фуқаронинг мулкка, тадбиркорликка бўлган муносабати кескин ўзгарди. Тадбиркорлик, кичик бизнес мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, таракқиёт сари дадил қадам ташлашда муҳим омили эканлиги ҳаётда ўз исботини топди. Шу боис, тадбиркорлар сафи вилоятда йилдан-йилга кенгайиб, мулкдорлар синфи




қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли. Масалан, сўнгги икки йил ичида ёш спортчилар республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда 83 та олтин, 72 та кумуш, 116 та бронза медаллари билан тақдирланди. Яқинда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» республика спорт мусобақасида вилоят спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этиб, фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида мустақиллиқнинг 20 йиллигига бағишлаб «Биз — йигирма ёшдамиз» акцияси доирасида Урганч шаҳрида шу йил баҳорда ўтказилган тадбир катта дўстлик ва ижод айёмига айлана кетди. Акция доирасида ўтказилган тадбирларда кўпқабат ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этиш баробарида, муҳим иш жойлари билан таъминланди.

Вилоятдаги қатор меҳнат жамоалари ёшлари Истиқлолнинг 20 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлаш учун янги-янги ташаббуслар билан чиқишпти. «Урганч трансгаз» шўъба корхонаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими Хива туманида ёшларнинг «Камолот боғи»ни барпо этиш-дунда 8 гектар майдонга 3 минг тўпдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Мустақиллик йилларида вилоятда болалар мусиқа санъатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ҳазорасп, Хива, Хонқа туманларидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари мукамал қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланди. Урганч тумани марказидаги 11-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби янгитдан қурилди.

Вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яра-



ниҳол» хусусий корхонасида эса атир совун ва парфюмерия маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— «Қишлоққурилишбанк»-идан 350 миллион сўм кредит олиб иш бошлаган эдим, — дейди корхона раҳбари Улғабек Қўшназаров. — Яқинда хориждан янги атир совунлар ишлаб чиқарувчи технология воситаларини келтирдим. Ҳозир соатида 300 килограмм маҳсулот ишлаб чиқараямиз. Яқин вақт ичида кир ювчи воситаси ҳамда болалар атир совунини ишлаб чиқаришни кўзлаб турибмиз.

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили аталиши ҳамда Давлат дастурининг қабул қилиниши тадбиркорларга янада кенг имкониятлар эшигини очди. Тадбиркорлар банклардан имтиёзли кредитлар олиб, ўзларининг фаолият кўламини кенгайтиришмоқда, янги-янги иш ўринлари барпо этишмоқда. Бу борада уларга катта ёрдам кўрсатиляпти. Биргина мисол: Ўзбек-Хитой савдо уйининг вилоят агентлигида кичик бизнес вақиллари ва тадбиркорларга янги лойиҳаларни амалга татбиқ этиш, корхоналарни илгор технологиялар билан жиҳозлаш борасида амалий ёрдам берилмоқда. Натижада

Унлаб тадбиркорлар Хитойнинг Шанхай, Урумчи каби шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда қатнашиб, истиқболли лойиҳаларга эга бўлишпти. Масалан, яқинда ана шундай тадбиркорлардан урганчлик Дилором Матқубова болалар уйинчоқлари, янгибозорлик Мансур Матқаримов сочиқ ишлаб чиқариш технологияларини келтириб, иш бошлаб юборишди.

— Вилоятда хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда кенг турдаги истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, шу йўли билан аҳоли дастурхонини тўқинсочин қилиш асосий вазифалардан бири этиб белгилан-

ва озиқабон саламас маҳсулоти тайёрланади. Ҳозирги кунда цехда ишлаб чиқариш ҳамми тобора ортиб бормоқда, — дейди би билан суҳбатда вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Рашид Собиров.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган режаларнинг изчил бажарилиши туғайли яқин йил мобайнида 3 фоиздан 10 фоизга ўсди. Унинг таркибидеги кичик бизнес ва тадбиркорлиқнинг улуши эса 2001 йилдаги 39,6 фоиздан 71,8 фоизга етди. Коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари, туризм, молия-банк тизимида янги хизмат турлари жорий этилиб, тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши натижасида аҳолининг реал даромадлари қарийб 56 фоизга ортди.

Бугунги кунда вилоятдаги 26 та йирик ва 1695 та кичик корхона томонидан 45 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Сановат салоҳиятини ошириш худудий дастурига асосан 336 та лойиҳа амалга оширилиб, 8,6 миллион АҚШ доллари миқдоридеги инвестициялар ўзлаштирилди. Умуман кейинги ўн йил давомида вилоят бўйича 217 миллион АҚШ доллари миқдоридеги хорижий инвестицияларнинг киритилиши эвазига 30 та янги қўшма корхона иш бошлади. Хусусан, бугунги кунда хорижий инвесторлар иштирокидаги «Хоразм шакер», «Кока-кола», «Мурават текс» хорижий корхонасининг Гулран фабрикаси, «Боготтекст», «Коттонтекс», «Мегасфера» сингари унлаб қўшма корхоналар тўла қувват билан ишламоқда.

Халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтижини қондириш мақсадида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиляпти. Кейинги йилларда мева, узум, поллиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Утган йилнинг ўзидеги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган 4 та лойиҳа ишга туширилди. Бу йил яна 3 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.


Истиқлол айёми арафасида Хоразм вилоятида бунёдкорлик ишларининг миқёси кенгайиб, салмоғи тобора ортиб бормоқда. Зеро, ҳар бир элдошимиз энг улғу, энг азиз айёмга аризили тўёна тайёрлаш мақсадида тер тўқапти. Қишлоқ хўжалигининг илк ҳосили — «қумуш тола» хирмони ҳар йилгидан ҳам сарбанд бўлди. Шу кунларда эса



вужудга келди. Бу, албатта, мустақиллик йилларида воҳода юз берган бекиёб ўзгаришлардан биридир.

Ҳозирги кунда хоразмлик тадбиркорлар ўз сармоялари ва банк муассасаларининг молиявий кўмаги эвазига хориждан илгор ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиб, иш юритишмоқда. Ана шундай тадбиркорлардан бири Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиғи раҳбари Маркс Раҳмоновдир. У фермер хўжалиғи қошида кичик корхона очиб, бу ерга Хитойдан сўт ва мева-сабзавотни қайта ишлайдиган технологияни олиб келиб ўрнатди. Мана, бир неча йилдирки, кичик корхонада сўт, мева-сабзавот қайта ишланиб, турли номдаги тайёр маҳсулотлар эл дастурхонига тортиқ этиляпти.

Хонқа туманидаги «Шавкат-Клара» хусусий корхонасининг паррандачилик фермасида 12 минг бош туюқ боқилляпти. Корхонага хориждан зотли паррандалар келтирилган. Келгуси йилгача бу ерда паррандалар бош сонини 20 мингга етказиш мўлжалланаяпти. Богот туманидаги «Ёвмит



ган. Бу борада хорижий инвестициялар иштирокидаги «Урганч-ёғ» очик акциядорлик жамиятининг олиб бораётган ишлари алоҳида эътиборга молик. Утган йилнинг охирида қорхонага хориж сармояси ҳисобига Ҳиндистондан янги дасгоҳлар келтирилиб, янги гидрогензация цехи ишга туширилди. 82 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бу ерда атир совун, маргарин ишлаб чиқаришда ишлатиладиган техник

омборлар донга тўлмоқда. Бепоён пахта далалари, бог-роғач-ёғ, қўйинки, вилоятнинг барча-барча худудларида юртни обод этиш, яшатиш, яратиш, яратувчанлик руҳи ҳукмрон. Улғу айём сари бизни тобора яқинлаштираётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир оғимиз зафарларга бой бўлмоқда.

Тузалбой РАХИМОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ,
«Hurriyat» муҳбирлари



«Соғда кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисошлаган олий ўқув юрталарининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг маосясини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибга эга бўлган мутахассисларни, илгор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак».

Ислом КАРИМОВ

Концепция: Гоя, мақсад ва вазифалар

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида

ОАВ фаолиятининг иқтисодий асослари

Юртимизда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларни моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг ижодий фаоллиги ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Аммо ханузгача ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самардорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган яхлит қонун мавжуд эмас эди. Шу боис, давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишнинг вақти келганлигини ва у соҳани янги босқичга кўтаришда муҳим дастур бўлажигига эътибор қаратди.

тимой, ташкилий-техникавий ва бошқа чоралари ўз ифодасини топиши лозим. Хусусан, зарурат туғилганда давлат оммавий ахборот воситаларига дотация бериши, улар томонидан кўрилган зарарларни қоплаш йўли билан иқтисодий қўллаб-қувватлаши, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, ривожланган бозор муносабатлари шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, ахборот соҳасидаги рақобатни янада кучайтириш каби масалаларни назарда тутиш айтиш мумкин.

тўловларида чегирмалар қўйиш кабиларда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ушбу давлат мақсади ҳақидаги ҳаракатларни молиялаштириш учун субсидиялар ажратилади. Мисол учун, баъзи кундалик умумийсиёсий газеталарга, агар улар рекламадан етарли даромад ололмаган бўлса ҳамда бюджет ва ижтимоий сугурта фондларига тўланадиган тўловлар бўйича қарзлари бўлмаса, субсидиялар берилади.

“ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИ”
танлови ўтказилади

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, танловда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Ватанимизнинг муносиб ворисларини ҳуқуқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш мақсадида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошираётган фидойи ҳуқуқ тарғиботчиларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш бош мақсад қилиб олинган.

Тинобарин, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, ОАВни, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг салбий таъсиридан самарали ҳимоя қилади. Шу сабабдан, мазкур қонунда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий, ҳуқуқий, иж-

қонунда тахририятнинг тadbirkorлик фаолиятининг даромад олишининг асослари, жумладан, эфир вақтини ва ўз маъсулотини реализация қилиш, қўрилган хизматлар, бажарилган ишлар, реклама жойлаштиришга босма нашрдан жой бериш, абонент тўлови, тираж тушумлари, тайёрланадиган ахборот ва ахборот маҳсулотларини реализация қилишнинг бошқа шакллари тахрири-

ятнинг даромад манбалари сифатида аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий давлатларда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамиятига эга бўлган ахборотни тарқатиш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш кенг йўлга қўйилган. Масалан, Франция қонунчилигида даврий босма нашрларнинг ижтимоий фойдалари эканлиги тан олинса, яъни улар инсон маънавиятини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган бўлиши ва текинга тарқатилмаслик каби талабларга жавоб берган тақдирда, бир қатор имтиёزلарга эга бўлиши назарда тутилган. Ушбу имтиёزلарнинг асосий турлари даромад солиғи ва божхона божидан озод этиш, қўшилган қўйимат солиғини камайтириш, журналистларнинг профессионал фаолияти билан боғлиқ харажатларга чегирмалар қўйиш, даврий босма нашрларни тарқатишдаги почта тўловларини камайтириш, телеграф ва телефон хизматлари

Ж.МУРатов,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Интернет-журналистикаси:

давр ва вазифалар

Яқинда қизиқ бир сўхбатнинг гувоҳи бўлдим: мижоз ва уста эртанги кунги ишлар тўғрисида гаплашмоқда эди.

— Эртанга уйингизга бора олмайдим, — деди уста дабдурустан.

— Нера? — савол нигоҳи билан унга қаради мижоз.

— Чунки ёмғир ёғар экан.

— Буни ким айтди сенга? Ёз фаслида ҳам ҳам ёмғир ёғадими? — деди мижоз ҳайрон бўлиб.


— Интернетда ёмғир ёғади, деб ёзишбди...

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги даврда интернет шу даражада оммалашдики, унга мурожаат қилувчиларнинг сони ҳам, эълон қилинадиган мавзуларнинг кўлами ҳам кундан-кунга кенгаймоқда. Мазкур ахборот воситаси ҳаётимизда табора кенг ўрин эгалламоқда. Хозирги кунда бемор шифокорга бориб келганидан кейин ташхисни аниқлаш, қўшимча тафсилотларни билиш учун ҳам унга, албатта, мурожаат қилади. Ҳатто кечаси ёмон туш кўрса ҳам...

Бугун ер курсида яшаётган аҳолининг 2 миллиарддан кўпроги интернетдан фойдаланади. Эътиборли томони, ўтган йили бу рақам бор-йўғи 1 миллиард эди. Экспертларнинг тахмин қилишича 2012 йилга бориб инсониятнинг 4 миллиарддан ошиғи ўргимчак тўрига «тушади».

Республикамызда ушбу оммавий ахборот воситасининг ривожланиши дунёдаги ўзгаришлар билан ҳаммағай, дейиш мумкин. Хусусан, 2010 йилнинг апрелида мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 2 миллион 750 минг киши бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 8 миллионга яқинлашди. Демак, бир йилда 5 миллион нафардан ортиқ фойдаланувчи қўшилди. Яъни, 15 йил давомида эришилган кўрсаткич бир йилда икки мартабага ошди. Бу яхши, бироқ...

Шу сабаб республикамызда интернет-журналистикаси феноменини ўрганиш, мазкур соҳани ривожлантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири. Мамлакатимизда интернет фаолиятини ривожлантириш ишларига аллақачон тамал тоши қўйилган бўлиб, соҳанинг ислоҳ этилаётгани қувонarli ҳолат, албатта. Эришган ютуқларимиз қаторида ҳали амалга оширилиши керак бўлган талаб-ғина ишлар ҳам бор. Жумладан, Ўзбекистоннинг глобал ахборот тармоғидаги Uz доменининг муносиб вакилликни таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.



Соҳа муаммолари

Шунингдек, соҳанинг ҳуқуқий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу масалада эса республикамызда сўнгги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтши жоиз. Хусусан, 2007 йилдан бошлаб, интернетда оммавий ахборот тарқатиш фаолиятини олиб бораётган веб-саҳифалар ОАВ сифатида рўйхатга олиниши Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» янги тахрирдаги қонунда белгилаб қўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёнинг бир қанча мамлакатлари Франция, Финляндия, Австрия, Испания, Италиянинг ахборот соҳасидаги қонунчилигида, Марказий Осиёда эса Ўзбекистондаги қонунчилик тизимида ахборот жамият талаблари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда қонун нормалари ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар интернет тизимида ОАВнинг мавқеини янада мустаҳкамлашга имкон беради. Мамлакатимизда эса бу Интернет-журналистиканинг ижтимоий аҳамиятининг эътирофи бўлди, дейиш мумкин.

Ўқитиб келинмоқда. Учинчи ва тўртинчи босқичларда эса талабаларга бевосита Интернет-журналистикага йўналтирувчи фанлар ўргатилади. Бундан ташқари, битирувчи курсларда ўтган йиллар давомида олинган билимларни мустаҳкамлаш учун, замон ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган махсус курслар ҳам ўқитилади. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим тизимида Интернет-журналистика йўналиши бўйича таълимни магистратурада ҳам давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим жиҳат, бугун соҳани ривожлантиришдаги муаммоларни фақатгина журналистика факультети битирувчилари билан ҳал қилиб бўлмайди. Негаки, бўлажак журналистларга матн ёзиш, янгиликлар тайёрлаш, жанрлардан мохирона фойдаланиш, радио, телевидение материалларини тайёрлаш жараёнига назарий ва амалий ўргатилади. Интернет-журналистикада эса веб-сайтнинг дизайни, навигацияси, арихитектураси каби техник параметрлари асосий ўрин тутди. Бунинг учун сайт администратори, веб-дизайнер каби мутахассисларни ҳам махсус тайёрлаш керак. Шу ўринда бундай малака фақат техник ходимлардан талаб этилади, деб ўйлаш ҳам ҳаётдир. Сабаби, интернет-журналист ўз мақоласи ёхуд аудио ва видеоматериални нафақат тайёрлаши, балки қонун ҳолатида ҳам мақола Веб-журналист администратор каби HTML дастурлаш тили, махсус редактор-дастурулар, шахсий компьютер, ноутбук ва бошқа техник воситалар билан ишлаш кўникмаларига ҳам эга бўлиши керак. Чунки веб-сайт нафақат ўзбекистонда, балки исталган вақт ва жойдан туриб тўғридан-тўғри янгиликни мумкин. Бу ҳолатда ҳамкорлик 50/50 формуласи асосида — «иҳодкор» ва «сайт администрато-

ри» сифатида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Яна шуни айтиш лозимки, интернет соҳаси, хусусан, Интернет-журналистика ва веб-дизайн борасида илмий изланишлар олиб бораётган ёш мутахассисларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Соҳани ривожлантириш учун фақат яратилган маърузалар матни билан чеклиб бўлмайди. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги дарсликлар, адабиётлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш ўринли бўлади.

Хатга қуйидаги ҳужжатлар ва материаллар илова қилиниши лозим:

- тегишли ташкилот ёки муассасасининг тавсияси;
- номзоднинг паспорт нусхаси ва анкети;
- номзоднинг сўнгги 2 йил мобайнидаги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борган ишлари ва алоҳида эришган ютуқлари (матбуотда чоп этилган ва веб-сайтларда эълон қилинган мақолалар, буклетлар, плакатлар, рисоалар, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар ҳамда ҳуқуқий тарғибот олиб борганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар);

Хужжатларни топширишнинг охириги мuddати — 25 июль.

Ғолиблар эсдалик нишонлари, дипломлар, статуеткалар, совринлар ва белгиланган миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланади.

Ғолиб ва совриндорлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(998-71) 233-39-84, (998-71) 233-39-84 (факс),
E-mail: press@minjust.gov.uz

Яхши ният

Тил билган — эл билар

Тил — дунёни билишдир, у юраклардан юракларга йўл очади, деган эди, алломалардан бири. Дарҳақиқат, инсонга берилган мазкур муқаддас ва муътабар неъмат ўз навбатида тафаккур гулшани сарҳадларини инкишоф этадиған, кишига дунё синоатлари дарвозасини очиб берадиган мўъжиза ҳамдир.

Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Бухорий, Навоий каби алломаларимиз турк, араб, форс, санскрит, юнон ва лотин тилларини мукаммал билганликлари, бу тилларда яратилган илмий, бадиий, фалсафий асарларни пухта ўрганиб, ўзлаштирилганликлари туфайли ҳам ўз даврида дунё цивилизацияси бешигини тибратган даҳоларига айландилар. Бундан бир аср илгари маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий ҳам икки эмас, тўрт тилни билиш лозим деган гоёни илгари сургани, бежиз эмас, албатта.

Давлатимиз мустақил бўлганидан сўнг, барча соҳаларда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, юртимизда баҳамжикат умргузаронлик қилиб келаётган 126 миллат ва элат вакиллари манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда таълим соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Тил ўқитилишининг замонавий методларидан фойдаланиш йўлга қўйилиб, тилшунослар ва педагоглар олдиға улардан унумли фойдаланиш масаласи вазифа қилиб белгиланди. Бу ўз навбатида, дарсга ижодий ёндашишни, тил ўрганувчиларни суёт объектдан фаол субъектга айлантириш ва уларнинг билиш фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтиришни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим технологияси — ўқув машғулотларини самарали ташкил қилишга қўмаклашувчи усуллар йиғиндиси ҳисобланади. Масалан, бу жараёнда турли интерфаслар уйинлардан фойдаланиш юқори самара беради. Бундай уйинларга ақлий ҳужум, билиш сўрови, экскурсия дарслари, театрлаштирилган дарслар, пресс-конференция дарслари кирди. Бундан ташқари, талабаларнинг лугат бойлигини ошириш учун янги сўзларни кўргазмалар куруллар, турли суратлар, тарқатма материаллардан фойдаланиш айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири тил ўрганувчининг диққатини битта нуктага жамлаган ҳолда, мавзунинг хотирадан мустаҳкам ўрин эгаллашга қўмаклашди. Шунингдек, чет тилни ўргатишда, аввало, ўқитувчининг ўзи ҳам тилларни мукаммал билиши ва иккинчи тилга ўргатиш услубиятидан, сир-асрорларидан воқиф бўлиши лозим. Қўтилган натижа самарали бўлиши учун гуруҳдаги талабаларнинг сони иложи борича 10 кишидан ошмаслиги керак, чунки ўқитилган машғулот давомида ўқитувчи гуруҳдаги ҳар бир талаба билан мулоқот қилишга улгуриши даркор.

Модомики, ёшларнинг бир нечта хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришлари, пировардида, жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий саҳнида Ватанимизнинг юзи бўла олишларида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя юқори экан, ундан унумли фойдаланиш ҳар жиҳатдан зарур ва шарт. Бу нарса ўз навбатида келажақда ёшларнинг бошқа яширин қобилиятларининг очилишига ҳам замин ҳозирлайди.


Нилуфар ШАВКАТОВА,
ЎзДҚТУ талабаси

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ТЕЗУЧАР САМОЛЁТ ЯРАТИЛДИ

Париждаги Ле-Бурже авиасалонидаги кўрғазмада «Nurgetmach» компаниясининг товушдан тез ҳаракатланадиган, 20 ўринли авиалайнери лойиҳаси намойиш этилди, дея хабар тарқатди «The Daily Mail» газетаси.



Ихтирочиларнинг сўзларига қараганда, «SonicStar» деб номланган янги самолёт жуда тез уча олиши билан ҳозиргиларидан ажралиб туради. Қиёслаш учун куйидаги рақам кифоя. Ҳозирги кунда Нью-Йоркдан учган самолёт 20 соатда Сиднейга етиб борса, «SonicStar» бу масофани 5 соатда босиб ўтишга қодир. Бундан ташқари, самолёт шунчалик тез учишига қарамай, ёқилғини кам сарфлайди.

Мутахассислар самолётни 2021 йилдан ишлаб чиқариш бошланишини маълум қилишди.

ТАИЛАНДНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

Ўтган яшанба куни Таиландда ўтказилган парламент сайловларида «Pua Thau» партияси ғалаба қозонди. Мазкур партия номзодлари Миллий ассамблеядаги 500 депутатлик ўрнининг 264 тасини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Энди партия вакили, 44 ёшли Инглак Чинават хоним мамлакат бош вазири лавозимини эгаллайди.



2008 йилдан бери ҳокимиятни бошқариб келаётган демократик партия янги раҳбарни ғалаба билан расман табриқлади. Шу билан бирга, Таиланд ҳарбийлари ҳам сайловдан қониқиб ҳосил қилишганини изҳор этишди. Қуруқликдаги қўшинлар кўмондони Праот Чан Оча янги ҳукумат шаклланишига қаршилик қилмаслигини маълум қилди. Ташкилдош лозимки, кейинги йилларда юз берган сиёсий беқарорликлар мамлакат иқтисодиётини инкирозга олиб келган эди. Ўтган йили мамлакат миллий валютаси — батнинг АКШ долларига нисбатан 8 фоизга қадрсизлангани бунинг тасдиғидир. Шу сабабли Таиланд ўтган йили Жануби-Шарқий Осиёда иқтисодий энг паст кўрсаткичли мамлакат, дея эътироф этилди. Янги раҳбар Инглак Чинават хоним олдида мамлакатни ана шу иқтисодий инкироз ботқоқидан олиб чиқишдек мушкул вазифа турибди.

АНА ХАЗИНА-Ю, МАНА ХАЗИНА!

Ҳиндистоннинг жанубий штати — Кераладаги Падманамбасвали ибодатхонаси ертўласидан 1 триллион рупиялик (20 миллиард АКШ долларидан кўпроқ) қийматдаги хазина топилди, дея хабар тарқатди Россиянинг ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

Хабарда қайд этилишича, бу ерда 1 тонна куйма олтин, шунча миқдорда тилла танга сақланаётган экан. Бундан ташқари, қопларга жойланган олмос, кўк ва қизил рангдаги ёқут каби қимматбаҳо тошлар ҳам мазкур хазина таркибидан ўрин олган. Шунингдек, ертўланинг яширин туйнуқларида ҳам кўплаб қимматбаҳо заргарлик буюмлари ҳамда баланглиги 1,2 метр-



ли олтиндан ясалган хайкал ҳам топилмалар рўйхатига киририлди. Ҳозир ибодатхона ертўлаларининг ҳар қаричи металл қидирувчи асбоблар ёрдамида обдон текширилмоқда. Ташкилдош жоизки, ушбу хазина Ҳиндистон таълим тизимига сарфланадиган бир йиллик харажатдан ҳам кўпроқни ташкил этади. Топилманинг бир қисми тарихийлиги, ноёблиги ва баъдий аҳамияти бўйича ниятда қимматбаҳо экани боис ҳозирча баҳолаб бўлмапти.

ЎРМОН ЁНГИНЛАРИ АВЖ ОЛМОҚДА


Экологлар Россия Федерацияси пойтахти — Москва шаҳри яна қуоқ тутун ичида қолиши мумкинлигини инкор қилишмаяпти. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг Фавкулотда вазиятлар вазирлиги маълумотларига таяниб тарқатган хабарларга қараганда, шаҳар атрофи худудларида ўнга яқин ўрмон ёнгинлари содир бўлмоқда.



Бундан ташқари, еттига жойда торф қатламлари ёнаётгани ҳам қайд этилган. Ёнгинларнинг умумий майдони эса ўнлаб гектарни ташкил қилмоқда. Ёнгин уоқларининг акаскаларнинг умумий майдони эса ўнлаб гектарни ташкил қилмоқда. Ёнгин уоқларининг акаскаларнинг умумий майдони эса ўнлаб гектарни ташкил қилмоқда. Ёнгин уоқларининг акаскаларнинг умумий майдони эса ўнлаб гектарни ташкил қилмоқда.

ЎЛАТГА ҚАРШИ ЧОРА ТОПИЛАДИМИ?

Бутун дунёда катта шов-шувларга сабаб бўлган e.coli бактерияси Европа бўйлаб тарқалишда давом этмоқда. Германия ва Францияда ўнлаб одамларнинг ёстиғини қуритган, кўпгина инсонларни чоҳ ёқасига етаклаган бу микроэнделикда чехияликларни ҳам синовдан ўтказадиган кўринади. Бу ҳақда Utro.ru сайти Чехия давлат кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат инспекцияси маълумотларига таянган ҳолда хабар тарқатди.




Мамлакатда «Carlorarske mineralni vody» компанияси томонидан қадокланадиган «Aquila Aqualinea» ичимлик сувининг шиша идишларида e.coli микроби топилгани боис мазкур белги остида савдога чиқарилган маҳсулотлар йиғиштириб олинмоқда. Ҳозиргача дўконлардан 33 минг дона шиша идишдаги ичимлик йиғиштириб олинди. Бундан ташқари, харидорлар ҳам сотиб олган «Aquila Aqualinea» ичимлигини текшириб беришларини сўраб, мурожаат қилмоқдалар.

Таҳликали томони шундаки, ичакка тушувчи бу инфекциядан ҳозиргача Европада 50 киши вафот этди, минглаб кишилар жабрланди. Инфекция дастлаб Германиянинг шимолида, Испаниядан келтирилган бодрингларда мавжуд, деган шов-шув тарқатилди. Аммо бу ўз исботини топмади. Шундан сўнг соя ва шунга ўхшаш дуккакли экинлар шубҳа остига олинди. Бу тахмин ҳам тасдиқланмади. Энди эса Греция далаларида ўсувчи ўт-ўланлардан олинган турли зираворлардан шубҳа қилинмоқда. Маълум бўлишича, бун-

дан 2 йил олдин мамлакатга Мисрдан ушбу зираворларнинг уруги келтирилган экан. Аммо бу ҳам бир уйдирма экани ҳақида Миср кишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий баёнот берди.

«ЗЕТАС» ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИ КЎЛГА ТУШДИ

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, Мексикада «Зетас» номли йирик наркобирлашма етакчиси кўлга олинган.



Мамлакат жамоат вазирилиги маълумотларига кўра, Эль Мимито лақаби билан машҳур бўлган Хесус Энрике Рехон Агиларни кўлга олиш жараёнида ҳарбий қуроллардан фойдаланилмаган. Операция натижасида турли қурол-яроғлар, пуллар, ҳужжатлар ва алоқа воситалари мусодара қилинган.

Бундан аввал Хесус Энрике Рехон Агилар АКШ иммиграция ва боғхона хизмати агенти Хайма Сапатанинг ўлдрилишида гумон қилинган эди. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб у қидирилаётган эди. Бундан ташқари, «Зетас» етакчиси яна бир неча қотилликларда айбланмоқда.

МАКТАБ ЁНИДА ПОРТЛАШ СОДИР ЭТИЛДИ

Афғонистоннинг Майман шаҳридаги мактаб ёнида содир этилган портлаш натижасида 25 киши ярадор бўлди. Улардан 17 нафари мактаб ўқувчилари, 8 нафари тинч аҳоли вакиллари, дея хабар тарқатди Россиянинг ИТАР-ТАСС агентлиги.




Портлаш содир бўлган пайтда мактабда машғулотлар тугаб, ўқувчилар уйларига қайтишга эришган эди. Жабрланганларнинг уч нафари оғир жароҳатлангани сабабли касалхонага ётқизилган.

Маҳаллий полиция мазкур ҳолат юзасидан текширув ишларини бошлаб юборган.

РАПАМИЦИН — ҲАЁТ ЭЛИКСИРИМИ?

Гарвард тиббиёт мактабининг генетик олими Фрэнсис Коллинз ва унинг ҳамкасблари қариш жараёнини секинлатадиган моддани аниқлашди. Улар бу гайриоддий эликсир инсон ҳаётини яна ўн йилларга узайтиришини тахмин қилишмоқда.



Рапамицин номи берилган бу мангу ёшлик эликсири Чилидан 2000 мил узокликда жойлашган Пасхи оролида ўсадиган ўсимликлар ва бир қатор кимёвий моддалар аралашмасидан тайёрланган.

Бу эликсир Хатчинсон-Гилфорд синдроми касаллиги билан оғриган бир қатор беморларда синаб кўрилади. Камдан-кам учрайдиган мазкур касаллик қариш жараёнини тезлатиши билан характерланади. Ҳозирга қадар дунёда бундай синдром билан хасталанган 52 ҳолат қайд этилган.

Интернет хабарлари асосида Камола МИРАМИНОВА тайёрлади.

Олам муаммолари

Таҳлил ва натижа

Маълумотларга қараганда, 2007 йилда дунё аҳолиси сони тахминан 6,7 миллиардга етган эди. Ҳозир йилига ўртача 77 миллион кишига кўпаймоқда. Шунга қайд этиш керакки, жадал равишда ўсаётган аҳолининг 95 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

БМТ таҳлиллари натижаларига кўра, 2050 йилга келиб ер юзиде тахминан 10,9 миллиард аҳоли бўлади одам яшаш мумкин. Ташкилдош жоизки, БМТнинг аҳолишунослик борасидаги кенг микёсли ва доимий фаолияти, хусусан, унинг аҳоли сони ва ўсиш суръатлари борасидаги таҳлиллари натижалари дунё мамлакатлари учун режалаштириш



дастурларининг самарали йўлга қўйилишини таъминлаш, демографик статистикани олиб бориш, ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш ва бу борада қатъий қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг республикамиз ҳам БМТга аъзо мамлакат сифатида доимий равишда аҳоли ўсишини

ҳисобга олишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этиб, аҳоли ўсиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу борада тегишли қонунчиликни ривожлантириш, она ва бола манфаатлари ҳамда аҳоли саломатлиги масалаларидаги ҳуқуқий базани тақомиллаштириш ҳамда бу

масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, «Ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан ташкилдасак арзийди».

Азиза ИБРАГИМОВА, ТДЮИ талабаси

Билиб қўйган яхши

Митти мамлакатлар

Дунёда шундай мамлакатлар борки, улар нафақат тузилиши ёки эгаллаган ҳудуди, балки аҳолисининг қамлиги жиҳатдан ҳам кишини ҳайратга солиши мумкин. Қўйида ана шундай митти мамлакатлар ҳақидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ВАТИКАН




Дунёнинг энг кичик мамлакатлари рўйхати Ватикандан бошланади. У Италия пойтахти — Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган мустақил давлатдир. Умумий майдони 0,44 кв.км.ни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, 2009 йилга келиб бу ерда атиги 826 киши истиқомат қилган. Ватикан ўзининг тузилиши билангина эмас, балки қарийб ҳамма томони тош девор билан ўралгани билан ҳам ажабланарли.

Илк ўрта асрларда Ватикан Рим папаларининг туғилган жойи, 1377 йилдан бошлаб эса доимий қароргоҳи бўлиб келган. 1870 йилда Италия қиролиги таркибига қўшиб олинган. 1929 йили тузилган Латеран битими натижасида Ватикан давлати қайта тикланди ва 1929 йилнинг 11 февралда мустақил давлат сифатида тан олинди.

Ватикан дунёнинг йирик саноат-молия монополияларидан бири. Италия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда катта ер майдонларига эга. Хорижий сайёҳлик ва почта маркалари чиқариш, сувенирлар сотиш ҳам кўп даромад келтиради. Пул бирлиги — итальян лираси.

МОНАКО



Монако князлиги Европанинг Ўрта Ер денгизи яқинида жойлашган, Франция билан чегарадош. Унинг умумий майдони — 1,95 кв.км. Монако дунёда энг кўп аҳоли жойлашган митти мамлакат саналади. Маълумотларга қараганда, аҳолисининг сони 32965 кишини ташкил этади.

Бу давлат ўзининг тарихий обидалари билан машҳур. Ҳар йили ноёб обидаларни томоша қилиш учун жуда кўплаб сайёҳлар бу ерга ташриф буюришади.

ТОКЕЛАУ



Янги Зеландияга қарашли бўлган Токелау — Тинч океанидаги оролдир. Токелауни аҳолиси зич жойлашган мамлакатлар рўйхатида бемалол киритиш мумкин. Бу ерда 1,5 мингдан камроқ аҳоли истиқомат қилади.

Пул бирлиги — Янги Зеландия доллари. Расмий тили — токелау ва инглиз тили.

1952 йил 6 февралдан бошлаб мамлакатни Янги Зеландия қироличаси Елизавета II ўз қўлига олган.

Шаҳина ОКИЛЖОНОВА тайёрлади

МАЪНАВИЯТ

Ватан учун яшайлик танловига

Кўнгли ободнинг юрти обод

“Мен бор-йўғи оддийгина сартарошман. Феълим — меҳнаткашлик, яшаш тарзим камтаргина, хокисоргина. Бунинг эдингиздан чиқарманг, болаларим!” Бизга бот-бот так-рорлайдиган ўғитингизни яна эсладим ота. Шу боис бугун гойибона бўлса ҳам сиз билан суҳбатлашгим, аниқроғи қувончларимни бўлишим келди.

М

амлакатимиз мустақилликка эришганида 67 ёшда эдингиз. Эски шаҳарнинг сиз 50 йил ишлаган сартарошона жойлашган кўча торғина йўлларга туташ эди-я, отажон. 50 йиллик Эски шаҳар пасткам, кичик-кичик уйлар, маҳаллалар... Ўзингиз айтгандай меҳнаткашликка, камтарликка, хокисорликка кўнган Эски шаҳар ва унинг одамлари...

Отажон, яқинда Андижоннинг айнан ўша — Эски шаҳар ҳудудида “Ободлик кўнглидан бошланади” деган байрам — фестивал бўлди. Ўзбекистоннинг байрами бу. Ўша сиз яшаган, ишлаган, мустақиллик йилларида қиёфаси жуда кам ўзгарган Эски шаҳарда ободлик байрами бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг мустақил бўлганига 20 йил тўлапти, ота. Сиз кўнган йиллардаги нисбатан ўн баравар кўпроқ ўзгаришлар бўлди. Биргина Ўзбекистон кўчаси оилалик. Сиздан мероси уйда укам Бахтиёржон Рўзиев яшапти. Унинг хонадонини тўрт қаватли ҳашаматли иморат бўлди. Тўғри, битта оила

учун 4 қават иморат кўплик қилади. Лекин вилоят ҳокимлигининг тақлиф-у режалари билан дастлабки 3 қаватда тадбиркорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бир кунда 60 нафар мижозга хизмат кўрсатадиган соғломлаштириш жисмоний машқлар учун махсус хона биринчи қаватда жойлашган. У ерда ўттизга яқин махсус спорт жиҳозлари ўрнатилган. Ҳаммаси замонавий. Иккинчи қаватда эса электр ва маиший техника моллари магазини жойлашган. Учинчи қават чевар нева-рангиз Машхуранинг тикувчилик ательеси бўлди. Бахтиёржоннинг оиласи тўртинчи қаватда яшайди. Бу ерда болалар хонаси, ётоқ бўлмаси, меҳмонхона, ошхона энг замонавий тарзда жиҳозланган. Фақат сизнинг ўғлингизгина эмас, худди мана шу Ўзбекистон кўчасида 115 та тадбиркорнинг шундай иморатлари қад кўтарди. Шундай гўзал, сулувларнинг кўчаларидан сира қолишмайди. Кейинги икки ярим йилдаги ўзгаришлардан аҳолининг ўзи ҳам хайратланди.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили Андижонга келга-



нида бошланган бу хайрли ишларга катта баҳо берган, бу эзгу ҳаракатни кўллаб-қувватлаган. Андижоннинг хайрли ўзгаришлари учун 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилди. Фақат Андижон шаҳригина эмас, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида шундай ҳаракат, уйғониш пайдо бўлди. Юртиларнинг чирой касб этмаган кўча ва маҳалласи қолмади, ҳисоб.

“Ободлик кўнглидан бошланади” байрами сизнинг изларингиз қолган Ўзбекистон кўчасининг очилиш маросими

эди, ота. Минг-минглаб юртношларимиз ясан-тусан билан иштирок этган бу тадбирга пойтахт Тошкентдан, қўшни вилоятлардан санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, расмшунарсанъатчилар ҳам тақлиф этилди. Очилиш маросими ўтгандан сўнг меҳмонлар Андижоннинг ўз автомобиллари билан қўриқилди. Боғишамол адиригидаги бу масканда жуда катта сайил бўлди. Сиз ётирдигандай ёғоч сўриларида ўтириб, аския ва концерт то-

моша қилди халқ. Ўзбекча палов пишириш кўрик-танловлари ўтказилди. Дастурхонларга турфа нозу неъматлар, 8 хил номда тайёрланган танлов паловлари тортилди.

Ота! Сиз доим дуода энг аввал юртга тинчлик сўрадингиз-а? Тинчликда гап кўп экан. Бу байрамлар, бу меҳмоннавозликлар, бу ўйин-куйгулар бари юртимиздаги тинчликнинг шарофати эмасми, ота?! Ўшунинг, Бахтиёржон укам 80-йилларда ҳарбий хизматни Афғонистондаги жанг майдонларида ўтказганида онамининг сочи бир ке-

чада оқариб кетган эди. Бугун ҳам ер кўрасининг қанча мамлакатда нотинчлик. Демак, яна қанчалаб оналарнинг сочи бир кечада оқариб ётибди. Шуларни ўйлаганда, Ўзбекистондаги тинчликнинг қадри яна ҳам баландроқ кўринади. Сиз “меҳнаткашлик ёрлиғим, хокисорлик ёзигим”, деган гапни ҳам кўп ишлардингиз. Ҳозир бу ақида ўзгарган. Юртбошимиз “Бировга қарам бўлмаган, бировдан кам бўлмаган мустақил юртининг меҳнаткаш фуқароси яхши яшаш, фаровон яшаш шарт”, деган шioriни ўртага ташлаганлар.

Уэр, ота. Айтган гапим шундай кўпки, аралашиб кетяпти. Ҳали айтганим “Боғи Бобур”даги катта санъат ва аския сайли туғандан кейин меҳмонлар билан “Навий” номли қадрдон боғнинг ажаб гўзал амфитеатридаги катта концертга қайтидик. Сиз гўзал-кўнгли яхши кўрдирдингиз, а? Сизга шундай илдим-ки...

Катта концерт олдида вилоят ҳокими бугунги ободлик байрами билан ҳаммани табриклиди, “Ўзбекистон кўчасидаги энг гўзал иморат” танлови голибларини эълон қилди. Ҳаяжоним оғзимга тикилиб турибди, ота. Сизнинг ўғлингиз, менинг укам, “Бобур-88” хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёржон Рўзиев қўриқилган иморат биринчи ўринга лойиқ топилди. Каттагина пул мукофоти берилди. Яхши, а ота?

“Сен-чи, сен қандай иштирок этдинг?” демоқчимисиз? Мен сиз яшаган, сиз яхши кўрган Андижон ҳақида қўшиқлар яратдим, ота. Эшитасизми?

Кечмишлардан хотир гулим, сен, Омон-омон ботир гулим, сен, Икки минг-у етти юз ёшда, Яшнаб кетган атиргулим, сен. Она диёр, ота маконим Андижоним, сен Андижоним...

Таниқли бастакор Баҳрулла Лутфуллаев мусиқа ёзган бу қўшиқни асакалик ёш хонанда Рўшона Қўзиева ижро этди. “Андижон мадҳи” кўрик-танловининг 1-ўрин совриндори сифатида янгради бу қўшиқ.

Бугина эмас, байрамдаги яна бир қувончим ҳам бор. Сиз айтгандай, аёл учун келин бўлиб тушган юрт Ватан саналса, Андижоннинг Олтинқул тумани мен учун Ватан. Шу кунги муқофотланганлар сафида вилоят бўйича ободончилик соҳасидаги 1-даражали диплом Олтинқул аҳолисига берилди. Ўйласам, меҳнатда гап кўп экан. Инсон меҳнат қилса, унинг самарсини кўрса, унинг қувончи янаям тотлироқ бўларкан. Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова сайлида бир гапни айтди: “Юрт тинч бўлса, кўнгли обод бўларкан. Кўнгли ободнинг юрти обод бўларкан.” Бу сўзларнинг исботини кўриб, бир тўлқинландим-да, Отажон!

Замира РЎЗИЕВА, шоира

Мутолаа

Изланиш фасли

Шоир таъбирича, “Ёшлик зангор фасл”. Бу фаслда қалб мусаффо, тил бурро бўлади. Ёшлар ижодий биографиясининг ilk даврида бир олам орзулар билан яшайди. Уларнинг поэтик дунёсида турли теран ва зиддиятли ҳис-туйғулар жамланади. Аслида, инсон танасидаги биргина юрак деган авзо эзгулик томон юриши билан бутун вужудда ўзгаришлар содир бўлади. Ижод — шу ўзгаришлар, изланишлар, дардлан-ишлар, ҳарфларга жарвон қўйиб, маънавият уфқлари томон интилишлар жараёнидир.

“Олтин кўприк” китобидаги (“Noshir”, 2010) ҳикояларни таснифлаш, баҳолаш, тушуниш ва тушунтириш учун бир неча топқир мутолаа этдим. Фаррух Жабборовнинг “Кайтиш” ҳикоясида бегуборлик кўзга аққол ташланади. Иккинчи шахс номидан ҳикоя қилиш тарзида янгилик сезилади. “Балогини тур-риб”, “ҳавасак”, “лойсувоқ”, “эланмоқ”, “саримой” каби сўзларни қўллаш — яхши изланиш. Абу Бақрининг “Тугалланмаган саёҳат” и маърифатга чорлов, содда, оддий воқеали баёни. Бир ўқишда тушунилади.

Бунёд Абдуллаев ёзган “Чўпоннинг ори” ҳикоясида яхши воқеали, деталлар, дейлик, “ичи ковак зарангтаёқ” бор. Бироқ ундаги эпизодларнинг ҳар биридан гўзал бир ҳикоя яшаш мумкин. Масалан, Қўрбоннинг топилиши — бир ҳикоя мавзуси. Отининг ўлимига сабабчи Нурали билан отаси ўрта-сиддаги зиддият алоҳида бир ҳикоя учун асос. Социлгандек таассурот қолдирган бу ҳикоянинг композицияси ишланиши, “саҳнага осиб қўйилган милтлик отилиши” зарур эди.

Нурилла Чорининг “Лўлитопмаслик чол”идаги яхши эпизодлар, “партандининг пойчасига тиши ўтмаган қари индай гингиш” тарзидаги оригинал ифодалар эса қандай ёки “Оёғининг бош бармоқларини бир-бирига теккизиб боғлаб, таёқдай ётади” — бу ўлимни бўйинга олиб уйкуга кетган одам ҳолининг тасвири. Аммо Қўлматнинг тугал қиёфасига кўнсузлик, сюжет чизигидан ёнга четлашиб соя ташлайди. Бир ўринда шу кимса Яратганга: “Ўзи сен тўғри билан эгрини фарқлай олсанми, айт!?” дейди. Ўзлингизни англаган, боз устига, шукрона нелигини билган одам бу саволни беришдан қўрқадими... Ҳикоядаги айрим ретротасвирларни, дейлик, “кўккўз хотин ва унга эргашиб келган ...вич” каби бугун ўрфдан қолган кистирма тафсилотларни ҳам ўйлаб кўриш керак.

Салим Абдураҳмон “Қарз” ҳикояси-

да қишлоқ одамнинг туриш-турмуши, Холмат қасбонинг ахиб-ғариб ҳаёт тарзини беришга уринади. “Одамни ҳаётда ширин хотиралар тугиб туради!” Асарда бундай ҳикматлар бўлиши — фазилат. Баҳархол, реалистик ҳикоя таллаблари шундай. Аммо қасбоннинг ўрлиги, индивидуал табиатида келиб чиққан ҳолда, бировнинг эшигига ўз қарзини сўратиб, “етақлаб” обормаган маъкул эди. Салим орқага тисарилиб, “бормайман” дегани бутун турки-тароватдан кўриниб турган қаҳрамонни мажбурлаб, судраб олиб боради бойнинг эшигига. Ва негадир осонгина ўлдирган маъкул эди. Холбуки, ҳикоя учун ишонти-ра билиш санъати мумкин саналади.

Умид Яъқубнинг “Рамак” ҳикояси алоҳида мавзу. Унга аънавий ҳикоя жанри мезонлари билан ёндашиб, баҳолаб бўлмайди. Чунки унда биз ўрганган воқеа ҳам, образ ҳам йўқ. Ёш ижодкорда бировга ўшамаслик, ўзининг индивидуал услубини излашдек жасорат мавжуд. Бундан қувониб керак. Бир қарашда мутлақо бемаъни, қовушмаган сўзлар уюмдек кўринган бу тоифа асарларга, бундай таъсир йўсинига жаҳон адабиётшуносиги нонсенс номини беради. Эҳтимол, ўзбекчона баъдий тафаккурнинг янгиланаётган парвози ана шундай таъбирлардан бошланар. Умид бизни ноънавий ва яхши асарлар ёзишга умидлантиради.

Ҳасур Кенгбоевнинг “Ҳавочин” ҳикояси ўқилганда аниқ бир одам, аниқса, бўғиқ муҳитда нафас ола билмасдан димиқиб ўтирган кимсанинг қиёфаси кўз олдимизга келади. Ҳавочин, бундай мослама, балким, ҳаётда йўқдир, аммо муаллифни бу топилма билан табриклар керак. Ижодкор кўнгли дарди ифодаси учун бундай баъдий деталларни, турли асбоб-ускуналарни ўйлаб топишга, чигирткаларга ҳатто гарчанд маъноси бўлма-са-да, “чирскин”га ўхшаш исмлар қўйишга ҳам ҳақлидир. “Эврилиш”, “Ҳазо калонияси”, “Муолажа”, “Оғрик

лаззати” каби жаҳон ва ўзбек адабиёт-идаги айрим намуналар бу ҳикоя пафосига яқин туради. Баъдий ижодда, менинг кузатишимча, воқеани қуруқ баён қилиш, воқеани баъдий ниёт учун қўллаш ҳамда воқеани санъат тилида ўзи яшаш ҳолатлари учрайди. “Ҳавочин”да воқеа санъат тилига кўчириб ясалган ва ўзининг яхши эффектини берган, деб ўйлайман.

Дилмурод Содиковнинг “Ўзидан қочаётган одам” ҳикоясида алоҳида тўхтаб ўтишни истар эдим. Менга ҳикоядаги инсон ва табиатнинг уйғунлиги, тоғадек жўмард бир инсон билан Бозикдек номардининг контраст ҳолатда ишонарли тасвирлангани маъқул келди. Ҳикоядаги таъсирлар табиий, воқеаларни уюштиришда муаллиф ўзини ортиқча зўриқтирмайди. Табиат тасвирларини мароқ билан, кўнглини ёзиб ёзади. “Тунги осмон сержилла эди. Юлдузлар бодраб ётарди. Қарасан, қақнаб ўйнайди...”, “...Елвизак ела бошлади. Қушлар чуғури, молларнинг пишқириги, ғамирлашлар эшитилди. Кўзимни очдим. Осмон кўкиш, кунчиқар томон ёришиб келарди”. Тасвир содда, аммо табиий. Бундаги овозни бемалол эшитиш, тасвири ҳатто қўл билан ушлаш мумкиндек. Ёш ёзувчи қаҳрамон табиатино образли топилмалар билан сифатлайди: “Калта кесимдан келган, озгин бу кўса одамнинг тиллари тўқилиб адо бўлган, гапирганда икки лунжи товўқнинг жиғилдондай кириб-чиқади”. Шу одамнинг: “Бандасидан имон қайтди, айнам. Одамлар бузилди”, деган гапига тоға чиппа-чин ишонади-да. Отасининг: “Одамга нафинг тегмасан, одамгарчиликдан кен”, деган ҳикматини эслайди-да, яхшилик қилади. Бир кун келиб қараса, Бозикбой шу юргани юрган — эски ҳаммом, эски тос. Ўзгармаган. Яна қўллингиз қилиб юрибди ҳалми бойга. Ҳикоянинг тили яхши. “Шу сози қайтиб келмади”. Жуда халқона гап бу. Биттагина сўз жумлага жон киритиб юборади. “Шу кетганча”, “шу билан”, “шу бўйи” эмас, балки “шу сози” — жонли тилда ифода айнан шундай. Агар бу муаллиф ҳаётнинг, табииатнинг ичига кирган бўлса, бисотидаги бундай ҳодисаларнинг баъдий шаклини топса, келажакда гўзал асарлар ёзади.

Таъкидлаш жоизки, баъдий адабиётдаги қадим бир мавзу, бир хусусият “Олтин кўприк” ҳикояларини бир маҳорат остида бирлаштиради. Бу ҳаётнинг моҳияти, ҳаёт неъматининг қадри, аинқисса, ўлим ҳодисасига қайта ва қайта



мурожаат қилиниши ушбу ҳикоялар мундариҳасида, воқеалар баёнида, сарлаҳаси ёки ақунда кўзга ташланади. “Қарз”нинг охирида Холмат қасбоб ўлиб қолади, “Юлдуз”нинг сўнгида гўё “Чол ва денгиз”ни севиб ўқийдиган китобхон чол ҳаётдан кўз юмади, “Лўлитопмаслик чол”даги Қўлматнинг қаддини ўғли ва хотини Зубайданинг ўлими дол қилади, бош қаҳрамон ўлимига ким эғалик қилишини ўйлаб юради; “Ўзидан қочаётган одам” ҳикоясидаги Бозикбойни тоға-жиан бир ўлимдан қутқариб қолади, “Рамак”нинг луғавий маъноси — ўлимолди нафаси, “Ҳавочин”да бир ютим тоза ҳавога зор ўтирган, нафасдан узилмиш ўлим эканини билган одамнинг ҳоли тасвирланади. “Кўрқинч бағишлаган севинч”даги одам қабрлар орасида тентийди. Бу ҳикояларни, шоир айтганидек, “ўлим бирлаштиради”, “ўлим бирлаштиради бегоналарни, одамлар бир ёқдан йиғилар келар”. Аммо ички манера, воқеалар баёни, рамзларда ифодаланган туйғулар, образни бериш усуллари ҳар бир ёш ёзувчининг ўз таланти даражасидадир. Л.Толстой, И.Тургенев шу мавзуда ёзган ҳикояларида “рус кишилари умуман юрт ажойиб тарзда — мислдон ақалдилар”, деган поэтик гоғни қойилмақом қилиб тасвирлаганини биллаш. Ҳарҳолда, ҳар қандай инсон бошини бир кунмас-бир кун етиб келадиган бу ҳодисани табиий қабул қилиш туйғусини тарбиялаш ҳам баъдий одамнинг зиммасидаги ишдир. Умуман олганда, “Олтин кўприк”даги ҳикояларда фазилатлар кўп, камчиликлар ҳам етарли. Балки ҳато ва камчиликлар кўпроқ тилга олингандир.

Ёшларнинг қўлига қалам олганини, сўзга муҳаббатини, баъдий ижодга қизиқиши ва интилишларини тарбияламоқ керак. Лекин ёш ижодкор бировга тақид этмасин, бошқалар яратган бодадаги ҳашаматли дарахлар соясига қўнат ўтказиб вақтини бесамар кетказмасин.

Баҳодир КАРИМ

Орамиздаги одамлар

Бу воқеа ўтган қишда юз берган бўлса-да, у ҳақда ёзмағимча кўнглим тинчимайди. Негаки, кунда-кунора учрайдиган оддий воқеадек туюлса-да, аслида унинг замирида халқимизнинг азалий фазилатлари мужассам.

Яхшилар туфайли боқийдир дунё

Улас, дам олиш кунларининг бирида оиламиз билан «Жигули»мизда қишлоққа йўл олдик. Кекса ота-онамизни зиёрат қилдик. Кудамизниқанда меҳмон бўлдик. Қиш кунлари бир тутам эмасми, тезда шом бўлиб қолди. Уйга кетиш тараддугида тушиб, йўлга ҳозирландик.

— Эрталаб кетсаларинг бўларди, — дейишди мезбонлар. Лекин биз унамандик, йўл тортиди.

Енгил машинада вилоят маркази — Қарши шаҳрига чарча борма соатлик йўл. Машинамиз янги бўлмаса-да, унча эски ҳам эмас. Шу пайтгача панд бермаган. Машинанинг ичи иссиқ, кайфиятимиз чоғ. Йўлнинг ярминдан кўли босиб ўтилган. Тўсатдан мотор ўчди-қолди. Ўғлим машинани йўл четига тўхтади.

Кимсасиз чўл. Узоқ-узоқлардан қишлоқ уйларининг милтиллаган чироқлари кўзга ташланади. Йўлдан ахён-ахёндагина машиналар ўтиб турибди. Қанча уринмайлик, моторни ўт олдиртиролмадик. Салон бир зумда совиб қолди. Бирон соатлардан сўнг қалтираб бошладик. Бир-икки кун меҳмон бўлиб келасиз, дея онамни ҳам ўзимиз билан олгандик. 3-4 ёшлардаги набирман онасининг лизжиға тикилиб йиғлай бошлади. Ҳали шаҳарга йиғирма чақиримча масофа бор. Зим-зиё тунда, яйдок чўлда нима қилишимизни билмай қараёт бўлиб қолдик. Моторни ўт олдирмақчи бўлиб калитни кўп бурбайверганимиздан аккумулятор «ўтириб», машина чироқлари ҳам ёнмай қолди...

Кутулмаганда йўлда бир «Дамас» пайдо бўлди. Биздан ўтиб тўхтади. Ундан тўрт нафар забардаст йигит тушиб, биз томон келишди.

— Ҳа, нима бўлди амаки? — деди улардан бири.

— Машинамиз бузилди қолди...

— Қани моторни очинг-чи, бир кўрай, — дея бири кўлидаги фонарини ёқиб, моторни қўздан кечирди. Кейин бошини кимирлатди:

— «Касали» анча жиддийга ўхшайди. Рулга ўтиринг, машинани сурамиз.

Йигитлар машинанинг орқасидан суриб, ўт олдиртиришди.

— Энди, — деди моторни кўрган йигит, — газни босиб ҳайдайсиз. Бўлмаса яна ўчиб қолиши мумкин. Қўрқманг, биз ортингиздан шаҳаргача кузатиб борамиз.

Шаҳарга кириверишда машинамиз тагин ўчди. Йигитлар яна ёрдамлашди ва кейин ортага қайтишди. Уларга миннатдорлик билдирарканман, «Қаердансизлар, йигитлар!» деб сўрадим.

— Ҳов анави тоғнинг ортидаги қишлоқданмиз.

Улар Кўнгиртоғни кўрсатишди. Биз эсон-омон уйга етиб олдик.

...Ҳар сафар ўша йўлдан ўтганимда, йўловчи сифатида узоқ-яқинга сафарга чиққанымда, йўл четига бузилиб ёки ёқилгиси тугаб, ёрдам сўраб турган машина ҳайдовчисини кўрганымда қишининг совуқ тундадаги ўша воқеа ёдимга тушаверади. Бу оламда яхши одамларнинг борлиги, кўпчилиги учун ҳам дунё боқийлиги, кундан-кунга гўзаллашиб, мукамаллашиб бораётганига, юртношларимизнинг кўзга суртса арзийдиган одамийлик хислатларига тасаннолар айтгим келади.

Абдулло ТАЙПАТОВ

Истиқлол
аҳқомлари

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватан менинг ярқираган қўрғон ерим

ДАВРУ ДАВРОН ЖОНИМ ВАТАН

(Мавлоно Лутфий газалига мухаммас)

(Сирожддин Сидқий Хондайлиқий газалига мухаммас)

Эй шоҳжаҳон сиз ҳам султон орасинда,
Бундоқ беҳишт йўқ еру осмон орасинда,
Ҳақдин келадир барчаси фармон орасинда,
Эй тож ияси насли Темурхон орасинда,
Сизга ярашур тахт бу даврон орасинда.

Эл-юрт бу замон салтанату аҳда лойиқ,
Ҳар азму шижоат била ҳар жаҳда лойиқ,
Ворму бу улусдек караму бахтқа лойиқ,
Султони улул-амр дағи тахтқа лойиқ,
Сизсиз бу кун Эрон дағи Турон орасинда.

Эврулмади гар бизга гоҳ чарх рамузи,
Рост келди лек толени юзи била кўзи,
Давлат кучайиб, эл кучайиб, қўлласса Ўзи,
Илёсу Хизрдул черигингиз қулавузи,
Арвоҳу малак ҳам дағи инсон орасинда.

Сиз эл шарафига шараф-ул-шаън эвурсиз,
Авзойини оламни ки ҳар он кўрурсиз,
Огоҳдурисизки мудом — шоҳдурисиз,
Искандар эшитсаки онинг сори юурсиз,
Жон бергай отоси киби учон орасинда.

Сиз халқ мадакорисизу, Ҳақ — шериги,
Эл равнақию фазлу фаровончилиги,
Иввою низо ичра эрур даҳр бешиги,
Чун сизга мадакордурр гайб чериги,
Душман бари гўй бўлгуси майдон орасинда.

Гар меҳнату заҳмат аро гоҳ толурсиз,
Кетгай бари лек юртга бир раз солурсиз,
То бор ақандир шу Ватан — сиз колурсиз,
Сиз Мисрга дегру чу билурларки, олурсиз,
Юсуф илдул кулбаи аҳзон орасинда.

Давлат ила толе азиз бошдағи қуштур,
Ранжларки чекдик бари рўё ила туштур,
Бу давр на даврондиру, даврон на хуштур,
Лутфий емағил гам гўша иқболи ўкуштур,
Кўрғайбиз ўзимизни Хурсон орасинда.

1 Мавлоно Лутфийнинг мазкур газали Соқибқирон Амир Темурнинг невараси, Шоҳруҳ Мирзоининг ўғли, Ҳирот хукмдори Бойсунгур Мирзога бағишланган.

Ватан менинг ярқираган қўрғон ерим,
Ою офтоб мангу қўрғон қўрғон ерим,
Эсдан чиқар бошқа ҳамма қўрғон ерим,
Ватан менинг тўққон ерим, турғон ерим,
Униб-ўсиб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.

Инсонийлик деган қадим зироатлар,
Орият ҳам ориятга ориятлар,
Шунда унган, айтсин кўҳна ривоятлар,
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,
Тарбиятнинг биносини қўрғон ерим.

Онамсан деб, изларингни кўзга суртсам,
Болам десанг, суварингдай мавжлар урсам,
Тоғларингдай баланд-баланд ўйлар сурсам,
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,
Мангу ўйнаб қўзда жавлон урғон ерим.

Жаҳон кезар жамолинга қўш тўймай,
Майсанг бўлиб сенинг учун нечун кўймай?
Дилмидан ҳам, тилимдан ҳам номинг қўймай,
Жоним бирлан, таним бирлан нега сўймай,
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.

Кафтларимни очиб оқшом ҳилолинга,
Юзга суртгум камол истаб камолинга,
Дахлдорман шамойил ҳам шамолинга,
Таъзим айлаб заҳмат чеккан чумолинга,
Саждагоҳим, саждага бош урғон ерим.

Беҳиштларга эгиз бўлган фасларинг,
Бўй талашиб ўсган янги наслларинг,
Бу кунларинг асдан ҳам аслларинг,
Улуғларинг асрларга қасрларинг,
Қасрлари асрларни қўрғон ерим.

Бугдой бошоғдай унган сўзим Ватан,
Кимман ахир сенсиз мен бир ўзим Ватан?
Олам аро менинг ёрур юзим Ватан,
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
Даврон кўриб, давру даврон сурғон ерим.

ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ҲАММАГА ҚАРАТИНГ!

«ҲАММАГА САЛОМ!» ТАРИФИ

\$0,015 Ўзбекистон бўйича чиқувчи кунгироқлар, SMS ва MMSлар (дақиқа / хабар)

\$0,005 МТС тармоғи ичида 1 дақиқа учун (3 дақиқадан кейин)

«Ҳаммага салом!» тариф ренасига ўтиш учун USSD-номанда: *111*120#0

МТС бир қадам олдинда

Хизматлар лицензияланган

Маънавий мерос

Халқ донишмандлиги — боқий қадрият

Адашган туйлар карвони саҳрода бир неча кундан бер йўл юрар, мешлардаги сув тугаган, тепадан қўш олов пурқар, атрофда эса поёнсиз қумлик. Ташналикдан силласи қуриган йўловчиларнинг запарлиги ҳам қурби етмасди. Бундай сафарларнинг кўпини кўрган кекса карвонбошигина ўзини тетик тутиб, атрофини синчиклаб кузатар, нигоҳи ниманидир изларди. Ниҳоят, бир манзилга етишганда, у ҳамроҳларига бир жойни кўрсатиш буюради.

ал ўтмай, нам кумнинг остидан сув чиқади. Одамларнинг шодлиги ошиб, ташналикни қондиришгач, карвонбошидан бу кароматнинг боисини сўрашди.

— Бу ерда сув борлигини анави қизилмиярдан билдим, — деб жавоб берди карвонбоши. — Эсдан чикарманг, қаерда бу ўсимлик кўп ўсса, шу жойда, албатта, сув бўлади.

— Биз йўлда олдин ҳам қизилмия учратдик-ку? — деб таажубланди йўловчилардан бири.

Чол кулиб деди: — Ҳа, учратдик, аммо улар бошқачароқ, тўғрироғи, гулларининг ранги бошқа эди. Ер остида чучук сув бўлса, қизилмиянинг гуллари қизгиш-гунафша, агарда сув шўр бўлса, ранглар бўлади. Аввал учраган қизилмияларнинг гуллари ранглар эди.

Ҳа, қадимданок аҳоли орасида ерости сувлари, олтин, кумуш ва бошқа нарсаларни

ўсимликларга қараб топа оладиган синчков кишилар кўп бўлган. Бироқ бу билимлар қаттиқ сир сақланган, отадан ўғилгагина мерос бўлиб ўтган, холос.

Ҳозир ҳам Сурхондарё вилояти Бойсун туманида кексалар орасида талайгина бундай иқтидор эгалари бор. Улар билан суҳбатлашганимда бунинг сирини сўрадим. Маълум бўлишича, улар фақат ўз таналаридаги ўзгаришлар билан кифояланиб қолмасдан, бир неча йиллик ёгин-сочинни хотираларида сақлашар, табиатда содир бўладиган ҳодисалар — ҳайвонлар ҳаракатидаги, ўсимликлардаги ўзгаришларга доир белги-аломатларни кузатишар, ўзларининг бу соҳадаги катта тажрибаларига суянишар экан. Ҳисобдонларнинг айтишича, эрталаб қиров тушса, кечга бориб шамол тинса, ўчоқдаги чўг кул билан тез қопланса, ҳаво очик бўлади. Бундай об-ҳаво олтидан асаларилар узокқа учишади, қалдирғочлар баланд парвоз қилади, тўғрайлар шўх сайрайди, чумоли ва ўргимчаклар

серҳаракат бўлади. Тезда ёмғир ёғишининг белги-аломатлари куйидагича: қора булутлар пастлаб ўтади, ёки бир ерга тўплана бошлайди, тунда шамол кучаяди, чувалчанлар ер юзига чиқади. Кушларнинг хурпайиб олиши, бақаларнинг ёппасига қуриллаши, тузнинг намиқиши ва ҳоказолар.

Яна тоғликлар куйидаги аломатларга амал қилишади. От, сигир қайси томонга орқа ўгириб ётса, шу томондан шамол бўлди. Агар юлдузлар тунда ярқираб турса ҳаво очик, хира бўлса ёгингарчиликни билдиради.

Дарахт япроқлари кузда тоза тўкилмаса ёки кузнинг охирида тўкилса, қиш каттиқ келади. Яна қариялар дарахт барглари учидан тўкилса, қиш тоғдан, пастидан тўкилса, чўлдан келади дейишади. Қўзда бўлган момақалдирок қишда кам қор бўлишидан далолат экан.

Камалакнинг ҳосил бўлиши табиатнинг энг нодир ҳодисаларидан биридир. Жило тарқатувчи камалак доим одам-

ларни қизиқтирган. Бир замонлар камалакнинг ҳосил бўлиш сирини тушунмаган кишилар уни муъжиза санаб, инсон билан худо дўстлигининг нишониси санаган. Кузатувчи одам камалак орқали ҳам об-ҳаво тўғрисида олдиндан билиб олиши мумкин. Агар камалак тик ҳолда кўринса, ёгингарчилик бўлмайди, ёй шаклида бўлса жалани кутавериш керак. Очик қунда пайдо бўлган камалак қандай шаклдалигидан қатъи назар кўш бутгунча ҳавонинг беғубор бўлишидан нишонна. Умуман, ёмғирдан сўнг осмонда ҳаммаша рўй берадиган кўзни кувонтирувчи ранглар ўйини ҳавонинг очилишини билдиради.

Табиат қанчалаб тирик барометрга эга. Зотан, эринмай синчиклаб кузатилса, уларнинг замирига етиш мумкин. Донишманд халқимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу хислатларида илмий ва амалий ҳақиқат борлигини кўриб қувонамиз, албатта.

Очил ТОШКУЛОВ,
журналист

Спорт

Майдондаги имкониятлар

Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати чорак финал беллашулари якуланиди. Унда Ўзбекистон — Уругвай, Бразилия — Япония, Мексика — Франция, Германия — Англия терма жамоалари ярим финал ўйланмаларини қўлга киритиш учун майдонга тушди.

астлаб сўнгги кунларда футбол мухлислари ва мутахассисларида илиқ таассурот қолдирган мамлакатимиз ўсмирлар жамоаси ҳамда футболчилар ўртасидаги беллашув хусусида тўхталиб ўтсак. Кутилганидек, учрашув ҳар икки жамоанинг тезкор ҳужумлари билан бошланди. Уйининг дастлабки дақиқаларидаёқ юртдошларимизда ҳисобни очиш учун қўлай имкониятлар юзага келди. Бироқ вакилларимизда улардан самарали фойдаланиш учун бироз маҳорат етишмади. Уругвайликлар эса ҳимоячиларимиз йўл қўйган хатолар туфайли терма жамоамиз дарвозасига икки марта гол киритишга муваффақ бўлишди. Натигада уругвайлик ёш футболчилар кейинги босқичга йўл олдилар.

Бугун терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида кўрсатган ёрқин ўйинлари боис юртимизнинг ҳар бир гўшасида футбол ҳақида сўз бормоқда. Дарҳақиқат, ўзбек футбол тарихида мазкур ёшдаги терма жамоанинг илк марта бундай нуфузли мусобақада қатнашининг ўзи катта воқеа бўлди. Бу ўзбек футболда

янги давр бошланганидан далолат беради. Умид қиламизки, бундан кейинги жаҳон чемпионатларида ўзбекистонлик футболчилар мунтазам муваффақиятли иштирок этишади.

Яна бир фикрни мамнуният билан таъкидлаш жоиз: жаҳон чемпионатида ажойиб футбол намойиш этган бир қатор ўсмирларимизга ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи клублари жиддий қизиқишмоқда. Терма жамоа ҳужумчиси Темур Ҳақимовни Лондоннинг "Челси", Бобур Давлатовни эса "Тоттенхим" жамоаси ўз сафига қўшиб олиш ниятида. Жамоа сардори Аббосбек Махситалиевнинг ҳаракатлари бира-тўла Европанинг иккита грант клуби — "Милан" ва "Монако" жамоаларининг эътиборига тушди.

Ҳа, биз бугун ўсмирларимизнинг Мексика яшил майдонларида кўрсатган ўйинларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уйлаймизки, улар келажда бундан-да ёрқинроқ футбол намойиш этиб, Ватанимиз байроғини янада баландларга кўтаришади.

Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини қляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

9 772010 752002

Бош муҳаррир **Уктам МИРЗАЁРОВ**

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: **hurriyat@doda.uz**

Таҳририятга келган хатларга йзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон	Республикаси	8-361-505-19-11
Андижон	—	8-374-250-90-39
Бухоро	—	8-365-592-85-02
Самарқанд	—	8-366-233-62-12
Сурхондарё	—	8-376-396-30-59
Фарғона	—	8-373-215-80-58
Хоразм	—	8-362-291-48-44

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Фозил ЖАББОРОВ**

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰

® — тижорат белгиси.

Адади: 5714 Буюртма — Г-755 123 5